



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 6 июнь, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 111 (12.422)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН

Айни кунда ишлаб чиқариш корхоналарида ички ва ташқи бозор конъюнктураси ва харидор талабидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ҳамза туманида фаолият олиб бораётган «Gunertash» қўшма корхона шаклидаги масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари ҳам ана шу тамойил асосида иш қўришмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда ип-газлама ва матоларга ранг беришда кенг фойдаланиладиган йигирма хилга яқин бўёқлар ишлаб чиқарилмоқда. Кунига 2-3 тонна шундай маҳсулот тайёрланаётган. Замонавий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган бўёқлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сотилмоқда. Бир қисми Қозоғистон ва Қирғизистонга экспорт қилинмоқда.

– Махсулотимизга талаб кўпайиб бормокда, – дейди корхона раҳбари Жалол Ҳўжаев. – Шу боис ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни режалаштиряпмиз. Корхонамизда тайёрлана-

ётган бўёқлар сифат жиҳатидан чет элликдан қолишмайди.

Мазкур корхонанинг хилма-хил маҳсулотларидан халқаро стандартлар асосида ишловчи бир қатор тўқимачилик корхоналари фойдаланаётгани эътиборга молик.

Зарур хом ашёнинг асосий қисmini ички бозордан, қолган 20-30 фоизини чет элдан олаётган «Gunertash»да 25 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар зарур иш анжомлари ва махсус кийимлар билан таъминланган. Корхонага жалб этилган хорижлик мутахассислар ишчи-хизматчи ва мижозларга маҳсулотни ишлатиш бўйича ўз маслаҳатларини бериб бормокда.

Абдуалим САЛИМОВ
Козим Ўлмасов олган сурат

Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантириш, жумладан, чет эл сармоялари ҳажмини ошириш билан боғлиқ масалалар яқинда Вашингтонда ташкил этилган давра суҳбатининг асосий мавзуси бўлди.

ВАШИНГТОНДА ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонаси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда Америка — Ўзбекистон савдо палатасига аъзо бўлган «General Electric», «Anadarko», «CNN», «Boeing», «Lockheed Martin», «White&Case», «Nukem», «FMN Logistics» ва бошқа компанияларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир чоғида мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти йўлида юртимизда хорижлик сармоядорлар учун қулай шарт-шароитларни яратиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги атрофлича маълумотлар давра суҳбати қатнашчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. «Навоий» эркин индустриал иқтисодий ҳудуди ҳамда «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналари ҳақидаги ахборотлар ҳам тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Учрашувда қайд этилганидек, ўзаро иқтисодий ҳамкорлик бўйича салмоқли салоҳият ва тажрибага эга бўлган Ўзбекистон ва Американинг икки томонлама ўзаро алоқалари сўнгги йиллар давомида янада ривож топмокда. Давра суҳбати қатнашчиларининг яқдил фикрича, АҚШ компаниялари билан машинасозлик, металлни қайта ишлаш, энергетика, тоғ-кон, нефть-газ кимёси, электр техникаси, доридармон саноати ва бошқа соҳаларда олиб борилаётган муваффақиятли ҳамкорлик Америка томонининг Ўзбекистонда бизнес юритишга нисбатан қизиқиши юқори эканлигидан далолат беради.

Тадбир иштирокчилари Америка Қўшма Штатларида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятини тарғиб қилиш ҳамда республикамизда ишбилармонлик билан шуғулланишнинг имкониятлари билан америкалик тадбиркорларни яқиндан таништириш бўйича чора-тадбирларни янада жадаллаштириш ва кенгайтириш зарурлигини эътироф этдилар.

Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг раиси К.Лэмм юқоридаги фикрни қўллаб-қувватлар экан, бундай тадбирлар икки томонлама иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши ва савдо палатаси аъзолари сонини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлади. У Америка — Ўзбекистон савдо палатаси истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди.

К.Лэмм 2012 йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтган бизнес-анжуман чоғида имзоланган, яъни иқтисодиётнинг турли жабҳаларидаги умумий қиймати 2,8 миллиард АҚШ долларига яқин бўлган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан ўзаро келишувларни ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этишини алоҳида қайд этди. Унинг фикри билдиришича, бундан кейин ҳам Ўзбекистон ва АҚШ компаниялари ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликка доир янги битимларнинг имзоланиши икки мамлакатнинг муносабатлари ривожига янгича суръат бағишлайди.

«Жаҳон» АА
Вашингтон

Тошкентда «Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлиги, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан «БМТ – хотин-қизлар» дастурларини Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатларида амалга ошириш бўйича минтақавий офиси ҳамда Германиянинг омонат кассалари жамғармаси кўмагида ташкил этилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ:

ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Конференцияда Германия, Италия, Хитой, Малайзия, АҚШ ва МДХнинг қатор давлатларидан экспертлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, вакилликлар, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда халқаро жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуришга қаратилган кенг қўламли комплекс ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий фаоллигини ошириш, интеллектуал ва маънавий салоҳиятини, умуман, ҳаётнинг барча жабҳаларини модернизация қилиш ҳамда янгилашда иштирокини кенгайтириш учун барча шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ушбу муҳим вазифаларни бажариш доирасида тизимли ва изчил ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қўрилаётган. Хотин-қизлар ҳуқуқлари ва эркинлигини

таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси шакллантирилган. Уни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, саксондан ортиқ қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади. Ушбу соҳадаги асосий халқаро конвенциялар ва ҳужжатлар ратификация қилинган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1991 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташкил қилинди. Ушбу нодавлат нотижорат ташкилоти хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қарийб 540 хотин-қизлар нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаларини амалга ошириб келмоқда. Фуқаролик жамиятининг ушбу институтлари ижтимоий шериклик доирасида қўллаб-дават дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, хотин-қизларга оид қўллаб-қувватлаш масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмокда.

«Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаол иш юритаётганининг гувоҳи бўлдик, – дейди Шанхай хотин-қизлар федерацияси президенти Цзяо Ян (Хитой). – Буни мамлакатингизда кучли ижтимоий давлат сиёсатини амалга оширишга ёрдам бераётган хотин-қизлар ташкилотлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Шанхайда 330 шундай ташкилот бор. Фаолияти-

миз тизими бир-бирига ўхшаш. Бугунги кунда аёл нафақат она, рафиқа, балки жамиятнинг фаол аъзоси ҳамдир. Бироқ, бунинг учун у тегишли ҳуқуқий билимга эга бўлиши, ўз халқининг маданияти, тарихини яхши билиши керак. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ташвишу муаммоларига ҳам катта эътибор қаратилиши даркор. Ўзбекистонда ушбу барча йўналишларда салмоқли ишлар амалга оширилаётганини кўрдик».

Малайзия ишбилармон хотин-қизлар халқаро ассоциацияси президенти Нозаризах Борхоннинг фикрича, «Ўзбекистонда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини таъминлаш учун барча зарур инфратузилма яратилган. Мамлакат раҳбарияти бунга катта эътибор қаратаётгани ҳам гоят муҳим. Бу борада жамоат ташкилотлари, жумладан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа ташкилотлар фаоллик кўрсатиб, ижтимоий тараққиётга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, улар томонидан хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини оширишда улкан ишлар олиб борилаётган».

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1995 йил 2 март кунини қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ҳудудий хотин-қизлар кўмиталарининг раислари эса жойлардаги ҳокимларнинг ўринбосарлари этиб тайинланиши белгиланган.

(Давоми 3-бетда)

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғона вилоятида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги олдида «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

● Навоий вилоят ҳокимлиги, табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси ҳамкорлигида экофестиваль ўтказилди. Фестиваль доирасида ташкил этилган кўргазмада табиати ёрқин рангларида акс эттирган ўқувчи-ёшлар, энг фаол экологлар муносиб рағбатлантирилди.

● Сирдарё вилоятининг Сайхунбод туманида «Сайхун мед сервис» тиббий маркази ўз фаолиятини бошлади. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган марказда аҳолининг юқори малакали невропатолог, терапевт, гинеколог, лор, уролог, стоматолог каби шифокорлар хизматидан фойдаланиши учун барча шароит яратилган.

● Фарғонада узумчиликни ривожлантиришга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Р.Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти Фарғона вилояти филиали ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятдан соҳага оид мутахассислар, олимлар ҳамда фермерлар иштирок этди.

● Ғаллаорол туманида 500 ўринли «Ниҳол» маросимлар уйининг ишга туширилиши аҳоли учун қўшимча қулайлик туғдирди. «Илҳомжон Мадад Нур» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилган мазкур лойиҳа шарофати билан 10 та янги иш ўрни яратилди.

● «Асака — Кува» йўналишидаги адирликларда замонавий савдо шохобчалари қад ростлади. Тадбиркорларга ажратилган 4,7 гектарлик майдонда қисқа муддатда тижорат банклари ҳамда ишбилармонлар маблағи эвазига 570 та замонавий иншоот бунёд этилди. Мазкур «савдо шаҳарчаси»да зардўзлар, дўппидўзлар, косиблар ҳамда мебелсозлар учун ҳам махсус расталар ташкил этилган.

ЖАҲОНДА

● Европанинг ATV-4 «Альберт Эйнштейн» номли космик юк кемаси кеча Француз Гвианасида жойлашган Куру космодромидан коинотга парвоз қилди. Ушбу космик юк кемасининг Халқаро космик станцияси билан туташуви 15 июнга белгиланган.

● Халқаро валюта жамғармаси томонидан тайёрланган ҳисоботда таъкидланишича, экспертлар Грецияга кредитлар ажратиш учун қўйилган кескин шароитлар кейинчалик етказиши мумкин бўлган зарарнинг миқдорини нотўғри ҳисоблаганлар. Яъни, экспертлар биринчи навбатда Греция иқтисодиётининг нормал ҳолатга келиши борасидаги салоҳиятини тўғри баҳолаш олмаганлар, иккинчидан эса ушбу мамлакат сиёсатчиларининг дастур шартларини бажариш ва шу доирада фаолият кўрсатиш бўйича қобилиятларини ҳаддан ташқари ижобий деб ҳисоблаганлар.

● Флорида штатида истиқомат қилувчи 84 ёшли Глория Маккензи супермаркетдан икки долларга харид қилган Powerball лотереяси орқали 590 миллион долларлик жекпотни ютишга муваффақ бўлди. Маккензи ушбу ютуқни қисмларга бўлинган ҳолда ўттиз йил давомида олишни чўзиб ўтирмай, 370 миллион долларлик маблағнинг бирданига тўланиши усулини танлади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Сергели енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежида туман маҳаллаларида-

ги фаол ёшлар иштирокида «Оммавий маданият таҳдиди» мавзуида семинар-тренинг ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Миробод спорт

комплексига «Камолот» кубогининг туман босқичи бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент марказий темирйўл вокзалида «Гулбахор»

болалар соғломлаштириш оромгоҳига соғлиқларини тиклаб, ҳордиқ чиқариш учун таширф бўйраётган қорақалпоғистонлик 200 нафар болалар кутиб олинади.



Турар Усмонов (ЎЗА) олтин сўрат

Бадий гимнастика

БАҲСЛАР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентда бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва «Happy Caravan» халқаро турнири давом этмоқда.

Мусобақаларнинг биринчи куни «Happy Caravan» халқаро турнирининг яккалик кўпкураш баҳсларида саккиз мамлакат вакиллари ҳалқа ва тўпда машқ бажариш бўйича беллашди. Иқтидорли гимнастикачимиз Равиля Фархудинова ҳалқада машқ бажариш бўйича 15,4 баллни кўлга киритди. Ушбу баҳсда қатнашган яна бир спортчимиз Жасмин Юсупованинг чиқиши 14,7 баллга лойиқ топилди.

Тўп билан машқ бажаришда Комила Саидхонова 14,45, Сабина Тошкенбоева 13,25 балл жамғарди.

Ўзбекистон бадий гимнастика мактаби ўзининг бой аъёнлари ва номдор вакиллари эга, — дейди Россия терма жамоаси мураббийси Вера Шаталина. — Шунинг учун Ўзбекистонда ташкил этиладиган спорт анжуманларида қатнашиш менга катта қувонч бағишлайди. Ўзбекистонда бадий гимнастика билан шуғулланиш учун яратилган шароит ва имкониятга ҳавас қилса арзийди.

Мусобақалар давом этмоқда.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

Спорт янгилеклари

ПЕКИНДАН БРОНЗА НИШОНИ БИЛАН

Хитой пойтахти Пекинда енгил атлетика бўйича уюштирилган халқаро турнирда қатнашган ҳамюртимиз Надия Дўсанова бронза медали билан Тошкентга қайтди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, курраи заминнинг энг кучли атлетлари иштирокида ўтган мусобақанинг баландликка сакраш баҳсларида тажрибали спортчимиз Надия Дўсанова 1,92 метр баландликни забт этди ва халқаро турнирнинг бронза медали билан тақдирланди.

Мухлисларнинг ёдида бўлса, яқинда Таиланд ва Шри-Ланка давлатларида уюштирилган Осиё Гран-при турнирида учта босқичда Надия Дўсанова иккита олтин, битта кумуш медални кўлга киритган эди.

Бокуда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида уюштирилган халқаро турнир Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига омад келтирди.

ЎСМИРЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўнга яқин давлатдан келган 130 нафардан зиёд боксчи иштирок этган халқаро турнирда 52 килограмм вазнда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Бобурмирзо Толипов ғолиблик учун кечган финал баҳсида украиналик Мирослав Ищенкодан устун келди ва олтин медаль соҳиби бўлди.

Шунингдек, 48 килограмм вазнда рингга кўтарилган

Бахтиёржон Нидоев ҳам барча учрашувларни ўз фойдасига ҳал қилиб, шохсупанинг энг юқори поғонасини забт этди.

Халқаро турнирнинг 70 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган Мирзакамол Неъматовга эса кумуш медаль насиб этди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Юнусобод туманида жойлашган «Саховат спорт сервис»га қарашли теннис кортида 4 та олий таълим муассасаси талабалари ҳамда 12 та касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида «Биз — буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида «Гимнастрада — 2013» ёшлар спорт фестивали ўтказилди.

ЁШЛАР СПОРТ ФЕСТИВАЛИ

Тадбир ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, уларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Юнусобод туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшилари ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, спорт мактаблари, халқ таълими, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этилди.


Мазкур фестивалда жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон миқёсида ўтказилган спорт мусобақалари ғолиблари ва туманда жойлашган ўқув муассасаларида тахсил олаётган, спорт билан мунтазам қатнашиб келаётган ёшларга, ўз тенгқурларига намуна бўлаётганларга ҳамда 2012 йил декабрь ойи даво-

мида мини-футбол бўйича ўтказилган «Юнусобод тумани ҳокими кубоги» мусобақасида совринли ўринларни эгаллаган жамоалар ва ўрта махсус таълим муассасалари орасида ўтказилган барча оммавий спорт мусобақаларини ташкиллаштириш ва ўтказишда жонбозлик кўрсатган ҳакамларга фахрий ёрликлар ва эсдалик совгалари топширилди.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ва тумандаги умумтаълим мактаблари ёшлари иштирокида гимнастрада фестивали, туманда жойлашган спорт мактаблари қатнашчиларининг кўргазмалари ҳамда «Гимнастрада — 2013» жамоаси аъзоларининг чиқишлари намойиш этилди.

Бундай тадбирлар ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга, уларнинг келажақда комил инсонлар бўлиб етишишларига хизмат қилади.

Зарина РУСТАМОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳалол меҳнатдан яхши фазилат йўқ.

Ўз олдингга катта мақсад қўймоқ — олий саодат.

Меҳнатнинг ўзи эмас, самараси муҳим.

Аҳиллик бўлмаган оиладан хайру барака кўтарилади.

Кибру ҳаволи киши ҳаётини ўзи мураккаб-лаштиради.

Қариётганимизни бола-ларга қараб сезамиз.

Эътироф кишига куч бағишлайди.

Ким заҳрини ичига ютади, ким бошқаларга сочади.

Ҳеч нарсани билмаган ҳамма нарсани биламан деб ўйлайди.

Тилу дилни асрасанг, умринг узун бўлади.

Иложсиз ишнинг ўзи йўқ.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Кўргазмалар

ЎҚИШ ВА ИЖОД

Ўзбекистон Бадий академиясининг Иқоу Хираяма Халқаро маданият қарвон саройида «Trnsfer of Tech» таълим муассасасининг «Ўқиш ва ижод» деб аталган ҳисобот-танлов кўргазмаси очилди.

Ушбу таълим муассасасининг асосий мақсади ёшларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондириш, ижодкорлик кўникмаларини намоён қилиш ва ривожлантириш, тикувчилик соҳаси бўйича нафақат касб-ҳунар кўникмаларига ўргатиш, тадбиркорликка, инновацион янгиланишига ҳисса қўшадиган кадрлар тайёрлашга кўмаклашидир. Таълим муассасасининг тўғра ва ўқув курсларида тажрибали педагог ва малакали мутахассислар дарс олиб боради. Ўқиш давомида мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари, ўқув тренинглари ва экскурсиялар ташкил қилинади. Замонавий ўқув-методик адабиётлар, моддий-техника база ва ўқув материаллари билан таъминланган. Бугунги кунда бу таълим муассасаси тўғра ва ўқув курсларида ўқувчи ва тингловчилар сони 50 дан ортди.

Кўргазмага таълим муассасасининг 4 ёшдан 30 ёшгача бўлган қатнашчиларининг 100 дан ортиқ рангтасвир, махсус расм йўналишдаги ишлари намойишга қўйилган. Меҳр билан чизилган ижодий ишлар намуналарида юртимизнинг гўзал табиати, гуллари, мевалари, йил фасллари, мевалар билан боғлиқ наторморлар, хотин-қизлар, ёшлар либослари акс этган. Тадбирда «Trnsfer of Tech» таълим муассасасининг тикувчилик асослари ва кийимларни конструкциялаш курслари бўйича тахсил олаётганлар ўзларининг ўқув жараёнида амалга оширган лойиҳаларини намойиш қилдилар.

Яқкасарой туманидаги «Баркамол авлод» болалар маркази қатнашчилари томонидан ижро этилган қувноқ ашула ва рақслар барчага завқ бағишлади.

Номинациялар бўйича совринли ўринларни эгаллаган ижодий ишлар учун ижодкорлар Иқоу Хираяма халқаро маданият қарвон саройи дипломлари билан тақдирландилар. Таълим муассасаси битирувчиларига сертификатлар берилди. Кўргазма жорий йилнинг 15 июнига қадар давом этади.


Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI



ISTE'MOLCHI,
HUQUQINGIZ BUZILDIMI?
MUROJAAT ETING!



ISHONCH TELEFONI: 233-09-39

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 1995 йил 22 июнда Муроджон Ибрагимович Мирзахалилов номига берилган 942 рўйхат рақами, № 004626 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон, Япония ва Бразилия «JIU-JITSU» федерациясига (ИНН 207109263) Тошкент шаҳар статистика бошқармаси томонидан 2010 йил 21 ноябрда берилган 217-сонли (23518018 ОКПО) гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши жамоаси ушбу Кенгашнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири Р.М.Махмадалиевга акиси

Илбёхон МАХМАДАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 641

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11837 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.10